

<https://hstryres.uz/journal/index.php/makro>

2025, № 6 (12)

ISSN-3030-3761



ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТЛАР
Илмий журнали

ИСТОРИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
Научный журнал

HISTORICAL RESEARCHES
Scientific journal

ТОШКЕНТ-2025

ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТЛАР
ИСТОРИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
HISTORICAL RESEARCHES

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосори:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief editor:

Шакиров Иляс Рахимзянович
т.ф.ф.д., (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ
EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор, Академик
Ўзбекистон Миллий университети
Сулейманов Рустам Хамидович
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Муминов Алишер Гаффарович
Сиёсий фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Зуев Андрей Сергеевич
тарих фанлари доктори, профессор
Новосибирск Давлат университети
Ишанхуджаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Холиқулов Ахмад Баймаҳаматович
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Габриэльян Софья Ивановна
тарих фанлари доктори, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Убайдуллаева Барно Машрабжоновна
тарих фанлари доктори, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Очилдиев Файзулла Бобоқулович
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Саидбобоев Зокиржон Абдукаримович
тарих фанлари номзоди, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Азизов Илдар Рафаэлевич
тарих фанлари доктори (DSc)
Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби

Сиддиков Равшан Бердимуратович
тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Тухтабеков Козимбек Азимбекович
тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Бабабеков Акбар Давурбаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети
Баҳранов Шерзод Таштурсунович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Жамоат ҳафсизлиги университети
Алиязарова Дилдора Валишеровна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Холиқулова Шахноза Боймуҳаммадовна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Навоий Давлат педагогика институти
Нормуродов Дилмурод Раҳматуллаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Абдулаева Нигора Санжаровна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Америка технологиялар университети
Тоғаев Жасур Эркинович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Усаров Умид Абдумавлянович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Эгамбердиева Гузаль Акрамжоновна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети
Эшқувватов Бобир Валикул ўғли
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети

Контакт редакции журнала
Город Ташкент, улица Мирзо Голиба,
Исторический факультет
Национального Университета
Узбекистана имени Мирзо Улугбека
Web: <https://hstryres.uz/journal/>
E-mail: I.Shakirov91@mail.ru
Тел: +998900382203

Contact Editors of journal
Tashkent city, street of Mirzo Golib,
Faculty of history of the National
university of Uzbekistan named after
Mirzo Ulugbek
Web: <https://hstryres.uz/journal/>
E-mail: I.Shakirov91@mail.ru
Phone: +998900382203

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

1	Abduraxmonova Kamolaxon Ravshanjon qizi TIBBIYOT ANTROPOLOGIYASI DOIRASIDA BEMORLARNING KASALLIKLAR JARAYONIGA BO‘LGAN QARASHLARINI TAHLIL QILISHNING METODOLOGIK ASOSLARI	5
2	Artikov Ulug‘bek Latifjon o‘g‘li BO‘Z RANGLI SOPOL IDISHLARNING KELIB CHIQISHI VA RIVOJLANISHI	12
3	Askarov Ollabergan Ikrom o‘g‘li FARG‘ONA VODIYSI SO‘NGI BRONZA-ILK TEMIR DAVRI TARIXI PALEOBOTANIK MATERIALLARDA AKS ETISHI	24
4	Бахранов Шерзад Таштурсунович СОВЕТ ХУКУМАТИ ТОМОНИДАН ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДАГИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ВАЗИФАЛАРИНИ ҲАЛ ҚИЛИШ MASALASI ТЎҒРИСИДА	36
5	Mo‘ydinov Doniyorjon Avazbek o‘g‘li AMIR TEMUR VA TEMURIYLAR DAVRI DARYO KECHUVLARI TARIXSHUNOSLIGIGA DOIR AYRIM MULOHAZALAR	55
6	Normurodov Dilmurod Raxmatullyevich KITOB TUMANIDAGI SANGANAK (MAKRID) SOY HAVZASIDA OLIB BORILGAN YANGI ARXEOLOGIK QIDIRUV ISHLARI NATIJALARIDAN	60
7	Norova Dildora Radjabovna BOSH KIIYIMLARI VA ULARDAGI ZARDO‘ZLIK SAN’ATINING O‘ZIGA XOSLIGI	76
8	Nosirova Dlrabxon Ikromjon qizi KORONAVIRUS PANDEMIYASI VA UNING TA’SIRIDA OVQATLANISH MUASSASALARI FAOLIYATIDAGI O‘ZGARISHLAR	84
9	Облобердиев Жасурбек Косим угли КОНТАКТНАЯ И ЭНДОГЕННАЯ МОДЕРНИЗАЦИЯ ТРАДИЦИОННОГО ГОСУДАРСТВА: БУХАРА ПРИ МУЗАФФАРЕ И АБДУЛАХАДЕ	90
10	Priniyazov Jetkerbay Adilbayevich QIZIL ANGOBLI SOPOL IDISHLARNING QO‘QON SHAHRINING YOSHINI ANIQLASHDAGI O‘RNI	100
11	Qulboyev Nishonboy Sobur o‘g‘li SANGZOR HAVZASINING TOG‘-OLDI HUDUDLARIDA ANIQLANGAN YANGI YODGORLIKLARNING LANDSHAFT-XO‘JALIK TIZIMI	110
12	Муминов Алишер Гаффарович., Эрназаров Шермухаммад Эшбекович ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ ДЕКАНЛАРИ ФАОЛИЯТИГА ЧИЗГИЛАР	120

13	Рахимова Ирода Халимовна МЕЖДУНАРОДНАЯ ОБСТАНОВКА И ЕВРОПЕЙСКИЕ МИССИИ В ОСМАНСКОЙ ИМПЕРИИ: ГЕРМАНИЯ И ВЕЛИКОБРИТАНИЯ (XIX В.)	134
14	Саидова Шахноза Шахназаровна УЧАСТИЕ НЕГОСУДАРСТВЕННЫХ НЕКОММЕРЧЕСКИХ ОРГАНИЗАЦИЙ В РЕАЛИЗАЦИИ НАЦИОНАЛЬНЫХ ЭКОЛОГИЧЕСКИХ ПРОГРАММ УЗБЕКИСТАНА	143
15	Tuxtabekov Kozimbek Azimbekovich “ULUS” ATAMASINING KELIB CHIQISHI VA TARAQQIYOT BOSQICHLARI	160
16	Унгарова Ойдин Кобулжон кизи ИСТОРИЯ ИНКЛЮЗИВНОГО ОБРАЗОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ С 1991 ПО 2023 ГОДЫ: ПРОБЛЕМЫ И ДОСТИЖЕНИЯ	168
17	Xakimova Shoira Sag‘dullayevna O‘ZBEKISTONDA QAYTA TIKLANUVCHI MANBALAR DOIRASIDA SHAMOL ENERGIYASIDAN FOYDALANISH TARIXI	176
18	Ҳамраев Суннатилло Аллабердиевич БУХОРО АМИРЛИГИГА РОССИЯ ИМПЕРИЯСИ ТОМОНИДАН ЮБОРИЛГАН А.Ф. НЕГРИ МИССИЯСИ ТАРИХШУНОСЛИГИ	184
19	Xolliyev Azizbek Go‘zalovich XIX ASRDA JAHON TEMIR YO‘L QURILISHI: ASOSIY YO‘NALISHLAR VA TENDENSIYALAR	195
20	Xolikulov Axmadjon Boymaxammatovich BUXORO AMILIGINING QO‘QON XONLIGI BILAN MUNOSABATLARI	208
21	Xomitov Ravshan Xomitovich MARKAZIY OSIYO DAVLATLARIDA MILLIY OZCHILIK HUQUQLARINING TA‘MINLANISHI MASALASIGA OID	221
22	Шакиров Ильяс Рахимзянович КУЛЬТУРНО-ГУМАНТАРНЫЕ СВЯЗИ УЗБЕКИСТАНА И ФИЛИППИН: ИСТОРИЯ И СОВРЕМЕННЫЙ ЭТАП	229
23	Эргашев Хусан Юсуп ўғли ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИНИНГ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ ЛОЙИҲАЛАРДАГИ ИШТИРОКИ (TACIS-TEMPUS МИСОЛИДА)	237
24	Eshkuvatov Bobir Valikul o'g'li GLOBALLASHUV TENDENSIYALARI VA UNING DINIY-MAFKURAVIY HAYOTDA NAMOYON BO‘LISHI	242

Эргашев Х. Ю.

«Ўзбекистон тарихи» кафедраси ўқитувчиси
Ўзбекистон Миллий университети
husanergashev420@gmail.com

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ТАРИХ
ФАКУЛЬТЕТИНИНГ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ ЛОЙИХАЛАРДАГИ
ИШТИРОКИ (TACIS-TEMPUS МИСОЛИДА)**

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақола Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Тарих факультетининг халқаро илмий лойиҳаларда иштирок этиши ҳамда унинг аҳамиятига бағишланиб, унинг кейинги йиллардаги илмий ишлардаги ўрнини очиб беришдан ҳамда илмий лойиҳаларнинг кейинги йиллардаги илмий ҳамкорлик алоқалар кўламини давом эттириш учун тўпланган тажрибаларни таҳлил қилишдан иборат.

Калит сўзлар: TACIS (Technical Assistance for the Commonwealth of Independent States (тарж: Мустақил давлатларнинг ўзаро техник ёрдами)), TEMPUS (Trans-European Mobility Programed (тарж: Транс-Эвропа Мобиллик Дастури)).

КИРИШ

XX аср 90-йилларнинг биринчи яримида кўплаб муҳим жараёнлар рўй берди. Шулар орасидан ўзаро илмий ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида кенг ишлар бўлиб, Европа Иттифоқининг ўзаро илмий ҳамкорлик дастурлари доирасидаги алоқалар бўлиб, у ўзининг кўлами, аҳамияти, самара ва натижасига кўра бу вақтдаги ўзбек илм-фанида муҳим аҳамият касб этди. Хусусан, Европа Иттифоқи билан Ўзбекистон ўртасидаги таълимни ислоҳ қилишдаги ҳамкорлик 1994-йилдан бошлаб Темпус Тасис лойиҳалари асосида йўлга қўйилди. Ўтган давр мобайнида Ўзбекистон олий таълимни модернизациялашда 80 дан ортиқ ортиқ TACIS (Technical Assistance for the Commonwealth of Independent States (тарж: Мустақил давлатларнинг ўзаро техник ёрдами)) лойиҳалари амалга оширилди. TEMPUS (Trans-European Mobility Programed (тарж: Транс-Эвропа Мобиллик Дастури)) лойиҳаларида барча вилоятлардан жами 55 та олий ўқув юртлари иштирок этди[1]. TACIS ва TEMPUS лойиҳалари кўлами салмоқли бўлиб, унда илм-фанни ривожлантириш борасида дастурлар таклиф этилган. Жумлада, унинг TEMPUS лойиҳаси - Ғарбий Болқон, Шарқий Европа ва Марказий Осиё, Шимолий Африка ва яқин Шарқдаги ҳамкор мамлакатларда олий таълим тизимини ислоҳ қилишни кўллаб-қувватлашга қаратилган Европа ҳамжамиятининг дастури ҳисобланиб, Ўзбекистон Миллий университети ушбу дастурининг фаол иштирокчиларидан бири бўлган[2]. Дастурнинг Ўзбекистондаги фаолияти давомида Европа комиссияси 67 та минтақавий ва миллий лойиҳаларни, шу жумладан университетларни ўз ичига олган 11 та лойиҳани қуйидаги йўналишлар ва ўқув фанлари бўйича молиялаштирди:

тарих, психология, Европа тиллари ва халқаро алоқалар, университетларни бошқариш тизимини модернизация қилиш, янгилаш ва янги ўқув дастурларини яратиш ва курслар, ахборот технологияларини жорий этиш, таълим сифатини таъминлаш тизимлари ва бошқалар.

ТАДҚИҚОТНИНГ АСОСИЙ НАТИЖАЛАРИ

Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат университети Европа Иттифоқининг турли мамлакатларидан (Германия, Австрия, Дания, Нидерландия, Буюк Британия, Испания, Бельгия) 2 та университет билан узоқ муддатли ҳамкорлик (12 маротаба ёзги лойиҳалар) туфайли ўнлаб семинарлар, илмий-амалий конференциялар ва ўқув амалиётлари ўтказилди[3]. Бу вақтда таълимни ислоҳ қилиб бориш борасида муҳим ишлар ишлар қилинган бўлиб, улар сирасига 1997 йилнинг 29-августиди мустақиллик йилларида янги таҳрирда қабул қилинган (2-таҳрир, 1-таҳрир эса 1992-йилда қабул қилинган эди) “Таълим тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 464-I-сонли қонуни[4] муҳим аҳамият касб этди. Негаки, ушбу қонуннинг 33-моддасида “Таълим муассасалари таълим муаммолари юзасидан халқаро ҳамкорликда иштирок этадилар, чет давлатларнинг тегишли ўқув юртлари билан бевосита алоқалар ўрнатиш” деб алоҳида қайд этиб қўйилгани ҳам хоржий алоқаларни олиб боришнинг ҳукуқий асосини янада мустаҳкамлаб берди. Бу эса шартномалар доирасида халқаро ҳамкорликларни янги босқичга кўтариш, илмий, техникавий ва методологик жиҳатдан ўзаро тажрибалар алмашинуви режалаштирилган эди. Қуйида унинг натижаларига тўхталиб ўтилади.

Хусусан, Ўзбекистон Миллий университетнинг Тарих факультети иштирокида 1995-1998 йилларда амалга оширилган TEMPUS-TACIS дастурининг “ТАРИХ” лойиҳаси бўйича ЎзМу талаба, аспирант ва ёш ўқитувчилари Европа давлатларида ўз малакаларини ошириб, Европа давлатларининг янги ўқув услублари, илмий адабиётлари билан танишди. Факультетда учрашувлар, суҳбатлар, маърузалар ташкил этилиши эса талабаларнинг хорижий мамлакатлар таълим тизими билан яқиндан танишишга катта ёрдам берди. Бундан ташқари TEMPUS лойиҳалари доирасида ёш ва кекса авлод вакиллари, ўқитувчилар ва талабалар малакаларини ошириш ва ўқув дастурларини модернизация қилиш, ўқув материалларини янгилаш ва замонавий технологиялардан фойдаланиш бўйича биргаликда ишлаш учун Европа университетларига ташриф буюриш имкониятига эга бўлдилар[5]. Шу мақсадда Миллий Университетга Европа таълим муассасалари ўқитувчилари ҳам таклиф этилди. Ҳамкорлик натижасида Тарих факультетининг доцентлари У.В. Рахмонов ва Ў.М. Мавлоновлар 1998-йил 14-21 январ кунлари француз Олий Ўқув юртларида ўқитиш методи ва қадимги Шарқ тарихига оид янги адабиётлар билан танишиш мақсадида бўлганлар.

Шу ўринда ТошДУда ЕИнинг TACIS/TEMPUS дастури доирасида “Тарих” лойиҳаси (Англиянинг Эксетер университети, Франциянинг Ренн университети, Даниянинг Фридерексберг семинарияси билан); “Соғлиқ

психологияси” лойиҳаси (Англиянинг Сандерленд университети, Испаниянинг Саламанкова ва Валенция университетлари); “Ўзбекистонда инглиз тилини ўргатиш” лойиҳаси (Даниянинг Копенгаген университети) ва бошқа кўплаб халқаро лойиҳалар амалга оширилган[6]. Хусусан, 1998 йилда амалга оширилган “Тарих” лойиҳасида 4 та йўналишда фаолият олиб борилган:

1. Лойиҳа доирасида ҳамкорликдаги Европа университетларида таълим олиш, стажировка ва маърузалар ташкил этиш мақсадлари доирасида талабалар, аспирантлар ва ёш ўқитувчиларни хорижга жўнатиш.

2. ТошДУ Тарих факультетида тарихни ўқиш ва ўқитиш тизимини таркибий қайта қуриш.

3. Тарих факультетида замонавий АКТ (Ахборот-коммуникация технологиялари)га асосланган ресурс марказини яратиш.

4. Тарихнинг долзарб муаммоларига бағишланган халқаро илмий-назарий конференцияларни ташкил қилиш.

Лойиҳа доирасида Тарих факультетида доктор Питер Моррис (Эксетер университети, Англия), проф. Ж.Ришар (Сарбонна университети, Франция), академик Й.С.Кукушкин (МДУ, Россия)лар маърузалар ўқиган бўлса, Германия, Дания, туркий тилда сўзлашувчи давлатлар ва Ўрта Осиё давлатлари ОТМлари билан ҳамкорлик доирасида турли давра суҳбатлари, семинар-тренинглари, очик маърузалар ва мастер-класслар ташкил қилинди. Лойиҳа доирасида Англияда 7 нафар талаба, 2 нафар аспирант ҳамда 10 нафар профессор-ўқитувчилар, Францияда 1 нафар талаба, 2 нафар аспирант ва 8 нафар профессор – ўқитувчилар, Данияда 4 нафар талаба, 5 нафар аспирант ҳамда 3 нафар профессор-ўқитувчилар ўқиш ва стажировкаларни амалга оширдилар[7]. Лойиҳанинг самарали амалга оширилиши натижасида факультетда Ўзбекистон ОТМларида тарих фанини ўқитиш бўйича принципиал вазифаларни амалга оширишнинг мақсадли концепцияси ишлаб чиқилди[8]. Конференцияларнинг кўлами ҳамда халқаро алоқаларнинг мазмуний давоми кейинги йилларда ҳам олиб борилиб, уларда иштирок этган профессор-ўқитувчилар ўзларининг малакаларини ошириш билан бир қаторда келажакдаги янги илмий ҳамкорликларни давом эттиришдек муҳим вазифани ҳам амалга ошириш имконига эга бўлганлар. Юқоридаги лойиҳаларнинг ижобий яқунланиши “TEMPUS-TACIS” дастури доирасидаги кейинги муҳим халқаро лойиҳаларга замин яратди. Шулардан бири “ЕВРАЗИЯ” ҳисобланади. Ушбу лойиҳа ЎзМУда 1999 – 2003 йилларда амалга оширилди. “ЕВРАЗИЯ” лойиҳаси (тарих, ҳуқуқшунослик ва иқтисод факультетлари) координатор т.ф.д., проф. Х.Ғ.Ғуломов бошчилигида магистратурада “Халқаро муносабатлар ва ҳуқуқ” номли янги фанлараро курс яратиш мақсадида амалга оширилди. Кўзланган мақсадга эришиш учун Европа давлатлари тажрибаси Гент университети (Бельгия), Биелфельд университети (Германия) ва Эксетер университетлари (Англия) тажрибасини ўрганиш ва Ўзбекистон шароитига мувофиқ янги дастурни ишлаб чиқиш билан ўз натижасини намоён қилди. Демак, олий таълимдаги халқаро

алоқаларни самарали ташкил этиш орқали жамият равнақига ҳисса қўша олувчи янги йўналишлар киритилди.

ХУЛОСА

Хорижий алоқалар ўзаро тажриба алмашишга хизмат қилиши билан каторда факультет профессор-ўқитувчиларининг Европа Иттифоқи томонидан ташкил этилган TESIS-TEMPUSнинг ТАРИХ лойиҳасида иштирок этиши катта аҳамиятга эга бўлди. Ушбу лойиҳада иштирок этилиши натижасида кўплаб янги ёндашувлар ҳамда соҳа ривожини учун зарур моддий техник базанинг факультетда ташкил этилишига олиб келди.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

1. Сиддиқов Р.Б. Ўзбекистонда Олий таълим тизимида халқаро ҳамкорликнинг йўлга қўйилиши ва унинг ривожланиши. ЎзМУ хабарлари. 2022. № 1/3. 32 б.

2. Вклад программы Темпус в развитие международных связей и модернизацию Национального университета Узбекистана им. Мирзо Улугбека. Абдурахманова А. К. Ўзбекистон Миллий университетининг 90 йиллигига бағишланган “Мамлакатимиз Олий таълим тизими ва илм-фа ривожига Ўзбекистон Миллий университетининг роли” мавзусидаги халқаро илмий конференция материаллари. 2008 йил 22-23 август. Тошкент. 8 б.

3. Таълим тўғрисида. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 29.08.1997 йилдаги 464-І-сон. // <https://lex.uz/ru/docs/16188?ONDATE=05.01.2018%2002>, Murojaat etilgan sana: 12.03.2025-yil.

4. Вклад программы Темпус в развитие международных связей и модернизацию Национального университета Узбекистана им. Мирзо Улугбека. Абдурахманова А. К. Ўзбекистон Миллий университетининг 90 йиллигига бағишланган “Мамлакатимиз Олий таълим тизими ва илм-фа ривожига Ўзбекистон Миллий университетининг роли” мавзусидаги халқаро илмий конференция материаллари. 2008-йил 22-23 август. Тошкент. 8 б.

5. ЎзМУ Жорий архиви, Халқаро алоқалар бўлими, Мирзо Улугбек номидаги ТошДУнинг хорижий давлатлар билан ҳамкорлик ва халқаро алоқаларни ривожлантириш ишлари бўйича 1998 йилги ҳисоботи.

6. ЎзМУ Жорий архиви, Халқаро алоқалар бўлими, Мирзо Улугбек номидаги ТошДУнинг хорижий давлатлар билан ҳамкорлик ва халқаро алоқаларни ривожлантириш ишлари бўйича 1998 йилги ҳисоботи.

7. ЎзМУ Жорий архиви, Халқаро алоқалар бўлими, Мирзо Улугбек номидаги ТошДУнинг хорижий давлатлар билан ҳамкорлик ва халқаро алоқаларни ривожлантириш ишлари бўйича 1998 йилги ҳисоботи.

8. ЎзМУ Жорий архиви, Халқаро алоқалар бўлими, Мирзо Улугбек номидаги ЎзМУнинг хорижий давлатлар билан ҳамкорлик ва халқаро алоқаларни ривожлантириш ишлари бўйича 1999 – 2003 йилги ҳисоботлари.

Эргашев Х. Ю.

Преподаватель кафедры «История Узбекистана»

Национальный университет Узбекистана

[husanergashev420.@gmail.com](mailto:husanergashev420@gmail.com)

УЧАСТИЕ ИСТОРИЧЕСКОГО ФАКУЛЬТЕТА НАЦИОНАЛЬНОГО УНИВЕРСИТЕТА УЗБЕКИСТАНА В МЕЖДУНАРОДНЫХ НАУЧНЫХ ПРОЕКТАХ (НА ПРИМЕРЕ TACIS-TEMPUS)

АННОТАЦИЯ

Данная статья посвящена участию исторического факультета Национального университета Узбекистана имени Мирзо Улугбека в международных научных проектах и его значимости, раскрытию его места в научных работах в последующие годы, а также анализу накопленного опыта для продолжения масштабов научного сотрудничества в последующие годы.

Ключевые слова: TACIS (Technical Assistance for the Commonwealth of Independent States (перевод: взаимная техническая помощь независимых государств)), Tempus (Trans-European Mobility Programmed (перевод: Транс-европейская программа мобильности)).

Ergashev H. Y.

Teacher at the department of «History of Uzbekistan»

National University of Uzbekistan

[husanergashev420.@gmail.com](mailto:husanergashev420@gmail.com)

PARTICIPATION OF THE FACULTY OF HISTORY OF THE NATIONAL UNIVERSITY OF UZBEKISTAN IN INTERNATIONAL SCIENTIFIC PROJECTS (ON THE EXAMPLE OF TACIS-TEMPUS)

ABSTRACT

This article is devoted to the participation of the Faculty of history of the National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek in international scientific projects and its significance, revealing its place in the scientific work of the following years and analyzing the accumulated experiences of scientific projects to continue the scope of scientific cooperation relations in the following years.

Keywords: TACIS (Technical Assistance for the Commonwealth of Independent States (Translate: with each other for technical assistance of Independent States)), TEMPUS (Trans-European Mobility programmed (Translate: Trans-European Mobility Program)).